Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

03 Кадрлар салоҳияти — муҳим омил

05 Масъулият оширилиши лозим

07 «Бегона» болалар



2014 йил 3 апрель, пайшанба, 13 (541)-сон

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

ЭКСПОРТ



## Ўзбекистон «Gentra»си — Қозоғистонда

Алмати шаҳрида «Lacetti Chevrolet»нинг қозоғистонлик дилерларга «Daewoo Gentra» номи остида экспортга мўлжалланган моделининг тақдимоти бўлиб ўтди. UzDaily.uz сайтининг хабар беришича, Ўзбекистоннинг Қозоғистондаги элчихонаси томонидан «GM Uzbekistan» қўшма корхонаси дистрбьютори билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда давлат идоралари, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этган. Шу ўринда «Gentra» «Lacetti»нинг аввалги моделидан фарқли равишда 105 от кучига эга бўлган 1,5 литр ҳажмли DOHC двигатели билан таъминланганини, ўз навбатида, янги русум Қозоғистон Республикасида 2014 йилнинг 1 январидан жорий этилган янги хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб беришини айтиш мумкин.



Солих ЗОИР олган суратлар

# Хатолардан тегишли хулосалар чиқарилади

### Тошкентда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг VII йиғилиши бўлиб ўтди

Унда партиянинг ҳисобот давридаги фаолияти танқидий таҳлил этилиб, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнида O`zLiDeP олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

— Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда ана шу муҳим ҳужжат асосида қабул қилинган қонунлар ва партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фаолиятимиз тизимли равишда ташкил этилмоқда, — деди йиғилишда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев. — Маълумки, ҳисобот даврида демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш жараёнларида фаол иштирок этиш учун бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди. «Мулкдор оила», «Диплом билан — бизнесга», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» сингари ўнлаб лойиҳаларда иштирок этган 1500 нафардан ортиқ ёшлар ва аёлларга 16 млрд. 300 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар олишга амалий ёрдам кўрсатилди.

2 ►►

ПАРЛАМЕНТДА

## Фракция ўз позициясини қонунларга кўчиришга ҳаракат қилмоқда

### Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, хусусий секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўналишидаги ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойиллари асосида олиб борилаётган кенг кўламли жараёнлар қонунчилик базасини бугунги кун талабларига мос равишда такомиллаштиришни тақозо этмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида иккинчи ўқишда атрофлича муҳокама қилинган бир қатор қонун лойиҳалари ҳам ана шундай эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда тайёрланган.

– «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси қизғин баҳс-мунозара руҳида ўтди, – дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Шароф Амонов. – Унда асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг (агар уларнинг ўзида муддат кўрсатилмаган бўлса) расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган. Бошқача айтганда, ушбу қонун лойиҳаси билан «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунларга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ҳужжатлари улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киришини назарда тутувчи тегишли қўшимчалар таклиф қилинмоқда.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига кўра, ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек, ҳавола нормалар қўлланилишининг асослилиги текширилади.

3 ►►

МУЛОҚОТ

## Ким қанча солиқ тўлаши керак?

### Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Жисмоний шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Равшан НАСИМОВ «XXI asr» мухбири саволларига жавоб беради.

Ушбу мақолада муҳокама этилаётган мавзуда бирон-бир янги, оҳори тўкилмаган фикр айтиб, газетхонларни ҳайрон қолдириш қийин, албатта. Чунки солиқ сиёсати, унинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари ҳақида илгари ҳам кўп ёзилган, гапирилган. Зеро солиқ ва солиқ тушумлари мамлакатимизда молиявий барқарорликни таъминлаш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Энди бошдан дўппини олиб қўйиб, ўзимизча ўйлаб кўрайлик. Солиқ сиёсатини сизу биз қандай тушунамиз? Бу борада етарли билим ва тасаввурга эгамизми? Бозор эса аниқ ҳисоб-китобларга таянади ва ўз қонуниятлари асосида ривожланади. Шундай экан, фуқароларда онгли солиқ маданиятини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, барча соҳада эмин-эркин фаолият юритишларини таъминлаш ҳамиша диққат марказида бўлиши лозим.

4 ►►

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

## Самарали ҳамкорлик учун кенг имкониятлар

### Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Озиқ-овқат саноати – WorldFood Uzbekistan-2014» ва «Қишлоқ хўжалиги – AgroWorld Uzbekistan-2014» халқаро кўргазмалари очилди

Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси ва «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам юқори натижаларга эришилаётгани таъкидланди. Ўн тўртинчи бор ўтказилаётган «WorldFood Uzbekistan-2014» озиқ-овқат саноати ва тўққизинчи «AgroWorld Uzbekistan-2014» қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмалари ҳам буни яққол тасдиқлайди.



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Кўргазмаларда Хитой, Корея Республикаси, Австрия, Бельгия, Болгария, Германия, Испания, Италия, Қозоғистон, Латвия, Малайзия, Бирлашган Араб Амирликлари, Польша, Россия, Руминия, Словакия каби 22 мамлакатдан бир юз элликдан зиёд компания иштирок этаётир.

3 ►►

«ЁШЛАР ҚАНОТИ»

## Биз яна учрашамиз

— O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан ташкил этилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ёшларга яратилаётган имкониятлар» мавзуидаги навбатдаги тадбир ёш тадбиркорларнинг депутатлар билан ўзаро мулоқотига айланди, дейиш мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, таниқли тадбиркорлар иштирок этган анжуманда асосий эътибор ёшларнинг ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини янада фаоллаштириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ҳамда интеллектуал салоҳиятларини тўлароқ намоён этишларига қаратилди.

4 ►►

«АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

## Партиявий лойиҳа асосида

O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими Нишон туманида «Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ва уларни бартараф этиш йўллари» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Партия фаоллари, вилоят тиббиёт бирлашмаси шифокорлари, маҳалла фуқаролар йиғинларидан таклиф этилган хотин-қизлар иштирок этган тадбирда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» Концепцияси асосида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳам руҳан, ҳам жисмонан етук фарзандларимизни камол топтиришга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар ва Давлат дастурлари, улар ижросига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни янада кучайтириш бугуннинг муҳим устувор вазифаларидан бири экани қайд этилди.

4 ►►

БУГУНГИ СОНДА



2014 йилнинг 4 апрелида «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида ўтказиладиган навбатдаги «Очиқ мулоқот»да тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг саволларига Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов жавоб қайтаради.

6 ►

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 1 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

*) *Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2088,01 | 1 Миср фунти | 324,78 | 1 Польша злотийси | 746,10 | 10 Жанубий Корея вони | 21,22 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3763,71 | 1 Исландия кронаси | 20,06 | 1 СДР | 3493,40 | 10 Япония иенаси | 220,09 |
| 1 Дания кронаси | 416,77 | 1 Канада доллари | 2046,23 | 1 Туркия лираси | 1042,44 | 1 Россия рубли | 63,41 |
| 1 БАА дирҳами | 616,12 | 1 Хитой юани | 363,58 | 1 Швейцария франки | 2550,64 | 1 Украина гривнаси | 206,57 |
| 1 АҚШ доллари | 2262,93 | 1 Малайзия ринггити | 692,03 | 1 ЕВРО | 3132,08 | | |

# Мамлакатимизнинг янги чемпионлари

## «Ўзбекистон» спорт мажмуасида дзюдо бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди



Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Дзюдо федерацияси ҳамда Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада мамлакатимизнинг энг кучли 400 нафарга яқин дзюдочиси ғолиблик учун куч синашди.

Етти вазн тоифасида ўтказилган эркаклар ўртасидаги қизғин баҳслардан бири вазни 90 килограмм бўлган полвонларнинг финал учрашувида кузатилди. Унда жаҳон универсиадаси кумуш медали соҳиби, қашқадарёлик Шерали Жўраев пойтахт шарафини ҳимоя қилган жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Чориевни мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди.

— Мамлакатимизда навқирон авлодни ҳар жиҳатдан соғлом этиб тарбиялашнинг муҳим воситаси – спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида ёшлар ўртасида спорт турлари, жумладан, дзюдо жадал оммалашмоқда, — дейди Ўзбекистон чемпиони Шерали Жўраев. — Бугун чемпионликка эришиш осон эмас. Чунки юртимизнинг турли ҳудудларидан кучли спорт усталари етишиб чиқмоқда ва бу соғлом рақобатни вужудга келтирмоқда. Муҳими, гиламга чиқаётган ҳар бир полвон йирик мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

Қолган вазн тоифаларида барча рақибларини мағлубиятга учратган пойтахтлик Шуҳрат Арслонов, Сойиб Қурбонов, Мирзоҳид Фармонов, хоразмлик Диёр Ўрозбоев, самарқандлик Сарвар Шомуродов, қорақалпоғистонлик Элёр Машарипов ҳам Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда Тошкент шаҳри вакилларидан Муқаддас Кубеева, Шоҳида Назарова, хоразмлик Зарифа Султонова, Гулноза Матниёзова, Кумуш Йўлдошева, сурхондарёлик Шоҳиста Сафарова ҳамда қашқадарёлик Обида Алладўстова шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Чемпионатда маҳорат кўрсатиб, ғолиб ва совриндор бўлган дзюдочилар Ўзбекистон терма жамоаси сафида жаҳон ва қитъа микёсидаги мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## 70 фоизи — экспортга!

29 март куни Олмалиқ кон-металлургия комбинати таркибида ташкил этилган янги корхона — «Жиззах цемент заводи» мажмуасини фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди.

Жиззах шаҳар ҳокимлиги матбуот хизматининг хабар беришича, Зафаробод туманида қад ростлаган ушбу завод учун зарур бўлган хом ашё корхонадан 1,5 км. узоқликдаги Балиқли ва Кўтарма тоғлари ёнбағридан олинади. Тахминларга кўра, ана шу конларнинг ўзи заводни тахминан 150 йил давомида оҳактош билан таъминлаши мумкин.

2013 йилнинг апрель ойида қурилиши бошланган заводнинг фойдаланишга топширилиши натижасида бу ерда 430 нафар мутахассис доимий иш билан таъминланди.

Туркиянинг «Dal teknik» компанияси билан ҳамкорликда ишга туширилган корхона йилига 350 минг тонна оқ цемент ва 760 минг тонна портланд цементи ишлаб чиқариш қувватига эга. Дунё бозорида оқ цементга талаб юқори бўлгани боис ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 70 фоиздан ортиғини экспортга чиқариш кўзда тутилган.

## Чиқиндидан ҳам боғ барпо этиш мумкин

Маълумотларга кўра, Нью-Йоркда яшовчи ўртаҳол ҳар бир киши чиқиндихонага бир кунда тахминан 1,2 кило маиший чиқит чиқарар экан. АҚШнинг «PRESENT Architecture» дизайнерлик компанияси бу «маҳсулот»ни «Green Loop» номли лойиҳа асосида компост, яъни фойдали органик ўғитга айлантиришни режалаштирмоқда. Бунинг учун шаҳар четларига туташ жойларда ўнга яқин улкан компост оролларини барпо этиш таклиф қилиняпти.

Компания вакилларининг таъкидлашича, шу тариқа ҳар куни чиқиндилар ортилган юк машиналарининг ёнилғи сарфлаши, йўлларда тирбандликларни вужудга келтириб, ҳавога зарарли газлар чиқариши, энг асосийси эса узоқ-узоқлардаги ахлат ташлаш ҳудудларига бориб-келиш билан боғлиқ муаммоларни қисман бўлса-да бартараф этиш мумкин.

Лойиҳага мувофиқ, Нью-Йорк шаҳри чиқиндисининг тахминан 30 фоизи (йилига 4 миллион тонна) шаҳар атрофидаги сунъий оролларга олиб борилади. Ўз навбатида у ерда барпо этилган ертўлаларда босқичма-босқич равишда компостлаштирилган ахлат нутриентларга бой тупроқ ҳолида шаҳарга қайтарилади. Энг муҳими, сунъий оролларнинг устки қисмида ҳар бири 12 акрли (қарийб 50 минг квадрат метр) истироҳат боғлари ташкил этилади. Бу эса шаҳарга етишмаётган яшил ҳудудларнинг кенгайишини таъминлайди.

**Ш.ХЎЖАЕВ.**



## Сайёҳларга энг қулай шароит

2013 йили юртимизга 1 млн. 977 600 нафар хорижлик меҳмон ташриф буюргани, сайёҳларга хизмат кўрсатишнинг умумий ҳажми 2012 йилга нисбатан 16 фоиз, хизматлар экспорти эса 20 фоизга ўсгани маълум қилинмоқда. Эътиборлиси, мамлакатимиз туроператорлари томонидан 115 142 нафар россиялик сайёҳга хизмат кўрсатилган бўлиб, бу 2012 йилга нисбатан 2,7 фоизга кўпдир.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясидан хабар қилинишича, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига юртимизда туризм йўналишида фаолият юритувчи ташкилотлар сони 900 (шундан 400 таси меҳмонхона, 500 таси эса сайёҳлик хизматларини кўрсатади) тадан ошган.

## «Ширин болажон» 22 миллионга сотилди




1996 йилдан буён мамлакатимизда мунтазам ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг жорий йилги республика босқичида Ташкилий қўмита аъзолари таклифи билан иштирокчилар ўртасида илк бор «Ҳайрия ким ошди савдоси» уюштирилди.

Унда дастлабки баҳоси 100 минг сўмлик «Ширинтой болажон» торти 22 млн. сўмга сотилди. Наманган вилоятидаги «Ифтихор кийим саноат» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Анна Добрихга насиб этган торт ва хайрия савдодан тушган маблағ унинг таклифи билан Меҳрибонлик уйларига йўналтирилди.

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА.**




Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, мамлакатимизда 3-10 апрель кунлари вақти-вақти билан ёмғир ёғиши, айрим жойларга туман тушиши кутиляпти. Тоғларда қор кўчиши хавфи бор. Шамол ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 3-8, кундузи 15-20 даража илиққача кўтарилади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кечаси 3-8, кундузи +13-18, ҳафта охирига бориб эса 15-20 даража илиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси +5-10 атрофида, кундузлари 18-23 даража илиқ бўлиши кутиляпти. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат ҳафта охирига бориб кечаси 3-8, кундузи эса 15-20 даража илиққача кўтарилади. Фарғона водийси вилоятларида кечаси +3-8, кундузи 10-15 даража илиқдан +15-20 даражагача кўтарилиши кутиляпти. Тоғли жойларда ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқдан 0-5 даража илиққача, кундузлари эса 7-12 даража илиққача кўтарилиши мумкин.

## БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Бахтнинг орқасидан қувма: зеро уни ҳар доим ўзингдан топишинг мумкин».**

Пифагор.

ЭЪЛОН

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРДАГИ ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Миллий валютада:

**«БАҲОР-2014»**
Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«БАРАКАЛИ»**
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади.

**«ИМТИЁЗЛИ»**
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловлар (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловлари)га йўналтирилади.

**«НАВРЎЗ-2014»**
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«СОҒЛОМ АВЛОД»**
Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Хорижий валютада:

**«ФАЙЗЛИ-2014» (АҚШ долларида)**
Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг АҚШ долларида берилади.

**«ШОДИЁНА» (АҚШ долларида)**
Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)**
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| ФИЛИАЛЛАР | КОД | ТЕЛЕФОН | ФИЛИАЛЛАР | КОД | ТЕЛЕФОН |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Сергели филиали | 371 | 258-67-49 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 | Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА




Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «POYTAXT»)
ЗАЗ
www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

**ТАҲРИРИЯТ:** Темур АБДУРАҲМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАЖАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ХЎЖАЕВ, Маркс ЮСУПОВ.

**БЎЛИМЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. **ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com, xxi_asr@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

**БОШ МУҲАРРИР:** Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 9565 **Тираж:** 17327
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X
9 772181 497009

Навбатчилар:
**Ш.ХЎЖАЕВ, А.МУЗАФФАРОВ.**

# Ислоҳот

Юртбошимизнинг Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллик тантаналаридаги маърузасида баён этилган фикрлар, чуқур ўйланган хулосалар айни пайтдаги фаолиятимизни танқидий таҳлил этиб боришни тақозо этмоқда.

# Хатолардан тегишли хулосалар чиқарилади






Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Ўз мухбиримиз**

Бу жараёнда депутатлик гуруҳлари томонидан ташкил этилган 681 та эшитувнинг 293 таси айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш масалаларига қаратилганини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин.

Йиғилишда, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кўпайтиришнинг 2013 йилга мўлжалланган манзилли дастурига киритилган 347 та лойиҳанинг бажарилиши устидан фаол жамоатчилик назорати ўрнатилгани, бу жараёнга 317 нафар маҳаллий кенгаш депутати жалб этилиб, ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг ошиши, кўп тармоқли фермер хўжаликларни ташкил этиш ҳисобидан 450 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратишга эришилганига эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида парламент томонидан қабул қилинган 20 дан ортиқ янги қонун ва 20 га яқин амалдаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фракция аъзолари электорат манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш юзасидан аниқ позицияга таянган ҳолда фаол иштирок этди.

Айниқса, электорат фаолиятига доир қонунларни такомиллаштиришга хизмат қилган тадбирларда билдирилган тавсиялар асосида фракция аъзолари томонидан 500 га яқин таклиф киритилди. Бу даврда қуйи палата депутатлари ташаббуси билан 10 га яқин қонун лойиҳаси муҳокамага киритилган бўлса, уларнинг аксарияти айнан O`zLiDeP аъзолари иштирокида амалга оширилган ташаббуслар эканини ҳам айтиш мумкин.

Бир гуруҳ фракция аъзолари ташаббуси билан эса Давлат солиқ қўмитаси, «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси ва «Ўзкоммунхизмат» агентлигига «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг ижроси ҳақида» парламент сўровлари юборилди.

O`zLiDeP фракцияси фаолияти хусусида сўз борганида 2013 йили депутатларнинг сайловчилар билан мингга яқин учрашув ўтказгани, уларда 100 мингдан ортиқ киши қатнашганини қайд этиш жоиз. Ана шундай тадбирлар давомида сайловчилардан 4630 та мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 2537 таси жойларнинг ўзида ҳал этилди. 872 та масала эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, 223 та мурожаат эса республика идораларига юборилди.

Юртбошимизнинг Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллик тантаналаридаги маърузасида баён этилган фикрлар, чуқур ўйланган хулосалар айни пайтдаги фаолиятимизни танқидий таҳлил этиб боришни тақозо этмоқда.

Масалага шундай ёндашсак, мафкуравий ва сиёсий таълим йўналишидаги ишлар, партиявий лойиҳаларда ғоя ва мақсадларимиз, дастурий вазифаларни кенг тарғиб қилишда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаётганимиз маълум бўлади.

Шу ўринда партиямизнинг энг йирик лойиҳаларидан бири — «Тадбиркорлар мулоқот форуми» доирасидаги тадбирлар ҳам асосан Тошкент шаҳрида ўтказилиб, ҳудудларда бу борадаги кўрсаткичлар пастлигича қолаётганидан кўз юммаслигимиз керак. Бундан, айниқса, Фарғона, Навоий, Жиззах ва Сурхондарё вилоят кенгашлари тегишли хулоса чиқаришлари лозим.

Наманган, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси кенгашларида эса кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш ва улар билан ишлашда қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Йиғилишда фракция фаолиятида кўзга ташланаётган камчиликларга ҳам муносабат билдирилди.

Хусусан, фракциянинг жойларда қонунни қўллаш амалиётини назорат қилиш, дастурий вазифалар ва Сайловолди платформасини амалга оширишдаги роли ҳали ҳам мавжуд имкониятлар даражасида эмаслиги қайд этилди. Айрим депутатлар эса партиянинг дастурий вазифаларини такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф ва ташаббусларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамият қурилишининг асосий жиҳатлари бўйича таклифлар тайёрлашда етарлича иш олиб бормаяптилар.

Ана шундай камчилик ва нуқсонларни бартараф этмасдан туриб, давр олдимизга қўяётган янгича талаблар асосида фаолият юритиб бўлмайди, албатта. Сиёсий партияларга берилган ваколат ва ҳуқуқлар эса давлат бошқаруви жараёнида, Давлат ва ҳудудий дастурлар, амалдаги қонунлар ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатиш учун бизга кенг имкониятлар берди.

Шулардан келиб чиқиб, 2014 йилда «Янги сайловлар – жамият учун сифат жиҳатдан янги имкониятлар», «Сайловларга кўмакдош» каби 3 та йирик лойиҳа ва қатор комплекс дастурларни амалга ошириш режалаштириляпти.

Иқтисодиётни бошқариш тизимини изчил такомиллаштириш ва либераллаштириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик институтлари ҳуқуқлари кафолатини кенгайтириш, кичик бизнес улушини ошириш ва рақобатни ривожлантириш билан боғлиқ яна 7 та лойиҳа амалга оширилади. Шу ўринда жорий йилда «Келажак кадрлари» лойиҳасига ҳам алоҳида эътибор билан киришилади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш учун O`zLiDePнинг ёшлар ва аёллар йўналишидаги ишларини янги босқичга кўтариш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, жисмонан ва маънан соғлом, юқори малакали, мамлакатни янада ривожлантириш масъулиятини ўз зиммасига оладиган ёш мутахассисларни тарбиялашга қаратилган янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилади.

— Ҳақиқатан ҳам, давлатимиз раҳбарининг Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллиги тантаналаридаги маърузаларида белгилаб берилган устувор йўналишлар, долзарб вазифалар фаолиятимизни такомиллаштиришни тақозо этмоқда, — деди йиғилишда O`zLiDeP фракцияси раҳбари Бахтиёр Якубов. — Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32,78,93,98,103- ва 117-моддаларига)»ги қонуннинг парламент қуйи палатасида қабул қилиниши эса мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди. Зеро демократик ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган ушбу қонун, давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштириш, давлат бошқарувининг муҳим принципларини амалга оширишнинг конституциявий механизмларини такомиллаштириш — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари мустақиллиги ва тенглиги, ваколатлари мутаносиблигини, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарали ишлашини таъминлашга қаратилгани билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Бунда, энг аввало, бизга берилган ваколат – қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан янада самаралироқ фойдаланишимиз лозим. Назорат-таҳлил йўналишидаги ишларни ҳам кучайтириш, тизимли равишда олиб бориш учун фракциянинг 2014 йилга мўлжалланган иш режасини қайта кўриб чиқдик. Унда асосий эътибор депутатлик назорати институтидан самарали фойдаланиш, Давлат ва ҳудудий дастурлар, амалдаги қонунлар ижросини назорат қилишга қаратилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова, Бухоро вилоят кенгаши раиси Фармон Аминов, O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Олим Соибназаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тўлқин Турсунов, Наманган туманидаги «Замин оқ олтини» фермер хўжалиги раҳбари Абдуғаффор Турсунов, «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири Мироди Абдураҳмонов ва бошқалар сўзга чиқиб, 2014 йилга мўлжалланган партиявий лойиҳалар таъсирчанлигини ошириш, маҳаллий кенгаш депутатлари, қуйи бўғин етакчиларининг ишини жонлантириш, сайловлар йилида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш орқали тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш лозимлигини таъкидладилар.

Сиёсий Кенгаш йиғилишида, шунингдек, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2014 йилги бюджети лойиҳаси ҳам кўриб чиқилиб, тасдиқланди.

***2013 йили депутатларнинг сайловчилар билан мингга яқин учрашув ўтказгани, уларда 100 мингдан ортиқ киши қатнашганини қайд этиш жоиз. Ана шундай тадбирлар давомида сайловчилардан 4630 та мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 2537 таси жойларнинг ўзида ҳал этилди. 872 та масала эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, 223 та мурожаат эса республика идораларига юборилди.***

↘ БУНЁДКОРЛИК

## Самарқандда Давлат дастури ижросига бирламчи эътибор қаратиляпти

### Вилоятда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси учун 274 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфлаш кўзда тутилган

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»

Таҳлилчилар йил давомида Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Онкология диспансери, Иштихон, Пайариқ, Нарпай, Тайлоқ ва Ургут туман тиббиёт бирлашмалари, Эндокринология диспансери, Самарқанд шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси ва 8-сон оилавий поликлиникаси биноларини реконструкция қилиш, шунингдек, Юқумли касалликлар клиник шифохонасини таъмирлаш режалаштирилганини таъкидламоқдалар.

Булунғур туманидаги «Мингчинор», Каттақўрғон туманидаги «Зарафшон», Қўшработ туманидаги «Тегирмоновул», Самарқанд туманидаги «Заҳлик», Ургут туманидаги «Қоратепа» ҚВПларда эса капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади. Қишлоқларда яшовчи 55 минг нафар ҳомиладор аёл эса махсус поливитаминлар жамламаси, жумладан, таркибида фолий кислотаси бўлган витаминлар, 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган 321500 нафар бола эса А витамини етишмовчилигининг олдини олишга мўлжалланган жамламалар билан бепул таъминланади.

Давлат дастури асосида, шунингдек, 300 нафардан ортиқ вояга етмаган ногиронларни протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация-техник воситалари билан бепул таъминлаш, ҳаракат-таянч тизими касалликларига чалинган 300 нафар вояга етмаган болани реабилитация қилиш йўли билан соғломлаштириш вазифалари ҳам белгиланган. Бундан ташқари ногиронларни реабилитация қилиш минтақавий марказининг ҳаракат-таянч тизими касалликларига чалинган вояга етмаганлар бўлимини тиббий асбоб-ускуналар ва соғломлаштириш жиҳозлари билан таъминлаш назарда тутилган.

Мактабгача таълим даргоҳларидаги шароитларни янада яхшилаш, жумладан, маҳаллий бюджетдан ажратиладиган 4 млрд. сўм маблағ эвазига 16 та мактабгача таълим муассасаси биноларини мукаммал таъмирлаш, «Барчаси болалар учун!» шиори остида халқ таълими тизимидаги айрим муассасаларни намунавий боғчаларга айлантириш ҳам жорий йилдаги асосий масалалардандир. Шунинг баробарида 52 та умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 14 та умумтаълим мактабини капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув жиҳозлари, компьютер синфлари, лаборатория ускуналари ва бошқа инвентарлар билан таъминлаш белгиланган.

— Туманимиздаги умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, ўқувчиларга қулай шароит яратиш учун 560 нафар ўқувчига мўлжалланган 3 та умумтаълим мактабини реконструкция қилиш, 1 та мактабни капитал таъмирлаш ва замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш Дастурга киритилган, — дейди Нуробод туман ҳокимлиги бош мутахассиси Мурод Жўраев. — Шунингдек, БСРЖ ва Ислом тараққиёт банки маблағи эвазига «Ўртабўз» маҳалласида жойлашган 28- ва 76-умумтаълим мактабларида янги спорт заллари қурилмоқда. Бундан ташқари, Саноат касб-ҳунар коллежи биносини капитал таъмирлаш, зарур ўқув лабораторияси, компьютер ва мебеллар билан жиҳозлаш назарда тутилган.

«Соғлом бола йили»да опа-сингилларимизни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва уларнинг ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантириш масалаларига ҳам вилоятда алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши тадбиркор аёл», «Хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши тадбиркор аёл» лойиҳалари асосида оилавий тадбиркорликка қўл ураётган хотин-қизларга «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш юзасидан чекка қишлоқларда семинарлар ўтказиш орқали амалий кўмак бериш белгиланган. Вилоятнинг 16 та ҳудудида «Соғлом аёл» маиший хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш белгиланганни эса Самарқандда Давлат дастури ижросига бирламчи эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

↘ ТУРИЗМ

### Икки йилда 17 та меҳмонхона

2014 йилда Бухоро вилоятида 281 ўринга мўлжалланган 10 та янги меҳмонхона ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

12uz.com сайтининг хабар беришича, ҳозирги кунда вилоятдаги сайёҳлик ташкилотларида жами 1,5 минг нафар ишчи-ходим ишламоқда. Эътиборлиси, уларнинг 1,3 мингдан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектидир.

Ўтган йили эса Бухоро шаҳри ва унинг атрофида 7 та меҳмонхона фойдаланишга топширилган бўлиб, натижада 160 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган.

Шу ўринда вилоятда янги меҳмонхоналарни қуриш ва мавжудларини реконструкция қилишдан ташқари экотуризм, агротуризм, соғломлаштириш туризми каби бошқа йўналишларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини айтиш лозим.

БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Секин ўсишдан асло хавотирланманг. Умуман ривожланмай қолишдан қўрқинг».**

Роберт Пирсиг.

Мазкур ўзгартишлар хўжалик судларида иш юритишни янада такомиллаштириш, суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқни янада кенгроқ таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг вақти ва маблағларини тежаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан судлар фаолиятида самарали фойдаланишга хизмат қилади.

# Парламентда

## Фракция ўз позициясини қонунларга кўчиришга ҳаракат қилмоқда



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»

Адлия вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси давомида мазкур лойиҳаларнинг уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлилни амалга оширади. Шу муносабат билан «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинмоқда.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддаси учинчи қисми билан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган. Шуни инобатга олган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан ижрога юборишнинг олдини олиш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни $198^3$-модда билан тўлдириш таклиф этилмоқда. Ушбу модда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ноқонуний амалга киритганлиги, яъни Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказмасдан қабул қилганлиги ва ижрога юборганлиги учун жавобгарликни назарда тутмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва кундалик ҳаётимизга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишларини изчил давом эттириш лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилганди.

Шунинг учун ҳам фракция аъзолари Хўжалик процессуал кодексига қўшимчалар киритиш билан боғлиқ янги нормалар муҳокамасида партия Сайловолди платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Уларнинг фикрича, мазкур ўзгартишлар хўжалик судларида иш юритишни янада такомиллаштириш, суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқни янада кенгроқ таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг вақти ва маблағларини тежаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан судлар фаолиятида самарали фойдаланиш мақсадини кўзлайди.

Ҳозирги вақтда хўжалик процессуал қонун ҳужжатлари видеоконференция усулида суд мажлисини ўтказиш имкониятини назарда тутмайди. Хўжалик процессуал кодекси (ХПК)нинг амалдаги нормаларига кўра ишлар суд биносида кўрилади. Бундай тартиб суддан бошқа ҳудудда жойлашган тарафлар учун, иш кассация инстанцияси судида кўрилаётганда эса иккала тараф учун ҳам анча вақт ва маблағни талаб этади. Йиғилишда таклиф этилаётган янги нормаларнинг қабул қилиниши O`zLiDeP электорати фаолиятида нақадар муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратилди. Хусусан, ушбу қонун лойиҳаси орқали ХПКнинг 8, 90, 110, 131 ва 134-моддаларига қўшимчалар киритиш ва $126^1$-модда билан тўлдириш назарда тутилаётгани, шахсларнинг видеоконференция усулидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи белгиланиб, унинг айрим процессуал жиҳатлари мустаҳкамланётгани муҳокама марказидаги масала бўлди. Эътироф этиш керакки, таклиф этилаётган қўшимчалар ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд муҳокамасида бевосита қатнашиш ҳуқуқини чекламайди.

– Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда, – дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдуқодир Тошқулов. – Президентимизнинг 2012 йил 30 ноябрдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ушбу йўналишдаги навбатдаги катта қадам бўлди. O`zLiDePнинг Сайловолди платформасида эса партия суд тизимидаги ислоҳотлар доирасида электорат вакилларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларига қатъий риоя қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ваколатлари қонунларда аниқ акс эттирилиши тарафдори эканлиги ўз ифодасини топган. Фракциямиз аъзолари мазкур қонун лойиҳасига ана шундай ёндашув асосида муносабат билдирдилар.

Хўжалик процессуал кодексининг 110-моддаси иккинчи қисмига кўра, суд буйруғи судья томонидан икки нусхада имзоланади ва улардан бири ишда қолади, бошқаси хўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланиб, ундирувчига берилади. Маълумки, хўжалик судлов ишларини юритишда аксарият ҳолларда тарафлар тадбиркорлик субъектлари бўлади. Тадбиркорлик субъекти бўлган қарздорнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш мақсадида қонун лойиҳасида тегишли тарзда тасдиқланган суд буйруғининг кўчирма нусхасини қарздорга юбориш тартибини жорий қилиш таклиф этилмоқда.

Бундан ташқари, Фуқаролик процессуал кодексининг 310, 320, 346 ва $348^1$-моддаларига суд ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилган ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақидаги шикоят (ариза) билан мурожаат қилиш, апелляция ва кассация шикоятини бериш, биринчи инстанция судининг ажримлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест келтириш ҳуқуқини ўрнатишни назарда тутадиган ўзгартириш киритилмоқда. Суднинг ишда қатнашишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилиши ҳам ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорнинг бекор қилинишига асос бўлади.

Фракция йиғилишида муҳокама қилинган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқуллаш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## Самарали ҳамкорлик учун кенг имкониятлар



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

«WorldFood Uzbekistan – 2014» халқаро кўргазмасида Бельгиянинг «VLAM», «Fresh From Belgium», «Kipco-Damaco», «Glacio» ва бошқа компаниялари кенг турдаги гўшт ва сут, денгиз маҳсулотлари, мева-сабзавотларни намойиш этмоқда. Турли салқин ичимликлар, иммунитетни мустаҳкамлайдиган биологик фаол қўшимчалар намойиш этилган Жанубий Корея компаниялари стендлари ҳам бу ерга ташриф буюрганлар эътиборини тортди.

— Биз «WorldFood Uzbekistan» кўргазмасида илк бор қатнашмоқдамиз, – дейди «Sunnuts» компаниясининг хорижий савдо бўйича менежери Ин Юнг Бэй (Корея Республикаси). – Кўргазманинг дастлабки кунида ўзбекистонлик ҳамкорлар билан алоқа ўрнатдик ва шартномаларни расмийлаштиришни режалаштирмоқдамиз. Экспозициялар юксак савияда ташкил этилган.

Бу ерга келганлар озиқ-овқат маҳсулотлари, уларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспертизадан ўтказиш ускуналари, ичимликларни қуйиш ва қадоқлаш технологиялари билан танишди. Масалан, ушбу тадбирда мунтазам қатнашиб келаётган Германия компаниялари гуруҳи гўштни қайта ишлаш, нон ёпиш ва музлатгич ускуналарини намойиш этмоқда.

– Ушбу кўргазмалар Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати изчил ривожланиб бораётганидан далолат беради, – дейди «PETKUS Technologie Gmbh» компаниясининг савдо бўйича бошқарувчиси Федор Франц (Германия). – Ўзбекистон иқтисодиёти катта салоҳиятга эга ва бу ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратади. Компаниямиз ғаллани қайта ишлаш билан шуғулланади ва мазкур кўргазмадаги иштирокимиз натижасида ўзбекистонлик ҳамкорлар билан кўплаб шартномалар тузиш имконига эга бўлдик. Бундан кейин ҳам ушбу соҳада ҳамкорликни кенгайтириш ниятидамиз.

Мамлакатимиз озиқ-овқат саноати вакилларининг маҳсулотлари ҳам ҳар йилгидек экспозицияларда кенг майдонни эгаллаган. Салқин ичимликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларнинг қўшимчаларини ишлаб чиқарадиган «Mehrigiyo», «Top Star Food», «Good Food Group», «Carlsberg Uzbekistan», «Арома Классик», «Агро Браво» корхоналари шулар жумласидандир. Улар кенг турдаги колбаса, сут маҳсулотлари, турли чой навлари, вафли, печенье, пряник, шоколод, конфет ва бошқа қандолат маҳсулотларини намойиш этмоқда. «Matimex Vostok», «Холод систем сервис», «Engineering Solutions», «Salar Baraka» ва бошқа корхоналар стендларида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда сақлаш ускуналари тақдим қилинган.

– Бу ерда намойиш этилган сут маҳсулотларини қатор хориж мамлакатларига бир неча йилдан буён экспорт қилмоқдамиз, — дейди «Agro-Bravo» масъулияти чекланган жамиятининг савдо бўйича менежери Аваз Эргашев (Самарқанд вилояти). – Бунга «WorldFood Uzbekistan» халқаро кўргазмаси туфайли эришмоқдамиз. Тадбир иштирокчилари сони йил сайин кўпайиб бормоқда ва бу мамлакатимиз компанияларининг ташқи иқтисодий фаолияти кенгайишига ёрдам бераётир.

«WorldFood Uzbekistan — 2014» иштирокчилари орасида мамлакатимизнинг қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Anis Pro Product», озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Sayxun Baraka» ва «Agro Makon Impex» компанияларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

«AgroWorld Uzbekistan – 2014» қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмасида Европа компаниялари ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар ерга ишлов бериш, қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва парвариш қилиш, сабзавот ва зираворларни териб олиш учун мўлжалланган қишлоқ хўжалиги техникаси, ғилдиракли тракторлар, ихчам агрегатлар, озуқа ўриш техникасини намойиш қилмоқда.

Мисол учун, кўргазмада илк бор қатнашаётган Италия компаниялари ерга ишлов бериш ва боғдорчиликка мўлжалланган қишлоқ хўжалиги техникаси, пластик қопламали юқори технологик исссиқхоналар ва бошқа маҳсулотларни тақдим қилди.

Мамлакатимиз ва чет эллик ишлаб чиқарувчилар Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш бўйича замонавий юқори технологияларни жорий қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини инобатга олган ҳолда, ушбу соҳадаги энг сўнгги ишланмаларни намойиш этмоқда. Масалан, Шўртан газкимё мажмуасига қарашли «Polipropilen quvurlar» шўъба корхонаси полипропилен қувур ва фитинглар, экинларни томчилатиб суғориш учун беркитиш-ростлаш арматураларини намойиш қилмоқда. Хитойнинг «Lutian Machinery» компанияси вакиллари тадбир иштирокчиларини сув чиқариш насослари билан таништирди. Ушбу суғориш технологиялари халқаро кўргазмага келган фермерларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Паррандачилик ва чорвачиликка ихтисослашган компаниялар сони ҳам кўпаймоқда. Қишлоқ хўжалиги техникаси, иссиқхона ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқарадиган корхоналар орасида илк бор иштирок этаётганлари ҳам анчагина. Масалан, «Pas Reform» (Нидерландия) компанияси инкубация технологиялари соҳасидаги энг сўнгги ишланмаларини тақдим этаётган бўлса, Германиянинг «Big Dutchman» компанияси кенг турдаги паррандачилик ускуналарини намойиш қилаётир.

— Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланиб бораётгани ва мамлакатингиз бозори катта истиқболга эга экани таҳсинга сазовордир, — дейди «Prinzen BV» компаниясининг савдо бўйича менежери Эдвин Ваагс (Нидерландия). – Хусусан, Ўзбекистоннинг паррандачилик соҳасидаги катта салоҳиятини инобатга олиб, товуқ тухумларини инкубаторда очириш, жойлаштириш ва қадоқлаш технологиясини тақдим этдик. Ҳамкорлик қилиш учун бир қанча таклифлар олдик. Жумладан, маҳсулотимиз фермер хўжаликлари вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Озиқ-овқат саноати — WorldFood Uzbekistan — 2014» ва «Қишлоқ хўжалиги — AgroWorld Uzbekistan — 2014» халқаро кўргазмалари мамлакатимиз ишбилармонлари ва чет эллик иштирокчилар ўртасида музокаралар ўтказиш, ўзаро ҳамкорлик истиқболларини белгилаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

## Кадрлар салоҳияти — муҳим омил

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёш ҳуқуқшуносларнинг адлия органларининг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш борасидаги фаолияти ҳақидаги билимини бойитишга қаратилган мулоқот бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари А.Усмонов, Тошкент юридик коллежи директори Н.Темирова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятли, маънавий баркамол, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қатор ҳужжатлар ёш авлод манфаатларини ҳимоялаш, ташаббус ва интилишларини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Мамлакатимизни модернизациялаш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламли вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда малакали ҳуқуқшунос кадрларнинг роли катта. Шу боис Тошкент давлат юридик университетида таълим сифатини оширишга қаратилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда Тошкент юридик коллежи ўқувчиларига адлия органлари томонидан иқтисодий, идоравий, жиноий, маъмурий, ижтимоий қонун ижодкорлиги йўналишида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, ҳуқуқий тарғибот, қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб этишда «LexUz» миллий базасининг ўрни, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишдаги қонунчилик талаблари ҳақидаги саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

**С.ШОЕВА, ЎзА мухбири.**

БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Билимларни ҳазм қилиш учун, аввало, иштаҳа билан илм олиш зарур».**

А.Франс.

# Биз яна учрашамиз

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Рисолат МАДИЕВА**



O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши мутасаддилари маълумотига кўра, пойтахтимизда 26120 нафар партия аъзоси бўлиб, уларнинг 13920 нафари, яъни 53 фоизини навқирон авлод вакиллари ташкил этяпти. Пойтахтда иш олиб бораётган 949 та бошланғич партия ташкилотининг 185 тасига ҳам 30 ёшгача бўлганлар етакчилик қилмоқдалар. Бу O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгашининг ёшларга катта ишонч билдираётганидан далолатдир.

— Партиямизнинг «Диплом билан — бизнесга», «Парламентда менинг ўрним», «Ишбилармон талаба», «Агар мен депутат бўлсам...» лойиҳалари ҳамда доимий тарзда ўтказилаётган кўрик-танловлар биз, ёшларнинг иқтисодий билимларини оширишга хизмат қиляпти, — дейди анжуман иштирокчиси —Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти талабаси Севара Худойберганова. — Бундай тадбирларда мунтазам қатнашганим учун ҳам миллий ва замонавий попопчиликни ривожлантириш ҳамда қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўп тармоқли «Sevara Uniqs» корхонасини ташкил этдим. Қисқа вақт ичида «Ипотека банк»идан 18 миллион сўм кредит олиб, корхонамизни керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозладим. Энг асосийси, 10 нафардан ортиқ тенгдошимни иш билан таъминладим. Бугунги тадбир менга ўхшаган ёшлар учун тадбиркорликка кенг йўл очишига ишонаман.

Тошкент темир йўллари муҳандислари институтида ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Польянте Свешников, Олим Аширов сўзга чиқиб, талабаларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар. Самимий баҳс-мунозаралар асосида ташкил этилган учрашувда хусусий сектор эгаларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг туб моҳияти, тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчилик меъёрлари, шунингдек, соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси Тўрабек Назаров эса «Ёшлар қаноти» пойтахтлик ёшларнинг талаби, истаги асосида турли мавзуларда тадбирлар, мулоқотлар, учрашувлар ўтказишга тайёр эканини таъкидлади.

Давра суҳбатида, шунингдек, «Соғлом бола йили»да O`zLiDeP олдида турган долзарб вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди.

↘ «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

# Партиявий лойиҳа асосида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Сайфулла ИКРОМОВ, Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
«XXI asr»

— «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар, шубҳасиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг узвий ва мантиқий давоми бўлди, — деди халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг Аёллар масалалари бўйича ўринбосари Исмигул Хушмуродова. — Соғлом болани, айниқса, қиз болаларни тарбиялаб вояга етказишда, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашида уларга кўмак бериш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш каби долзарб вазифаларни ўз ичига олган «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси, айтиш мумкинки, ҳудудда ҳам ижобий натижалар бермоқда. Хусусан, йил бошидан мазкур лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирлар натижасида 300 нафардан ортиқ хотин-қиз бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

Тадбирда, шунингдек, соҳада эришилган ютуқлар қаторида жойларда эрта турмуш қуриш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, ҳомиладор аёлларнинг ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтмасликлари оқибатида юзага келаётган, она ва бола саломатлигига таъсир кўрсатувчи салбий оқибатлар ҳам муҳокама қилинди.

«Она ва бола» Скрининг маркази бўлим бошлиғи, акушер-гинеколог Саодат Хуррамованинг фикрича, бу жараёнда скрининг текширувларининг аҳамияти ниҳоятда муҳимдир. Ногирон фарзандлар дунёга келишининг олдини олиш учун, энг аввало, эрта (15-16 ёш) никоҳлар ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш лозим.

— Оила қуришга тайёрланаётган йигит-қизларимиз соғлом бўлишлари, жинсий ҳаёт гигиенаси бўйича етарли билимга эга бўлишлари, аёлларнинг фақат ҳомиладорлик даврида саломатлигини сақлабгина қолмай, балки қизларни ёшлик давридан бошлаб соғ-саломат ўсишларини таъминлаш лозим, — дейди С.Хуррамова. — Бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимининг оила, маҳалла ва таълим масканлари билан доимий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш лозим.



Давра суҳбати давомида репродуктив саломатликни муҳофаза қилишда хавфсиз ҳомиладорлик, бехатар туғруқлар, чилла давридаги малакали ёрдам, аборт ва унинг олдини олиш, туғруқлар оралиғини 3 йил ва ундан ортиқ муддатга етказиш, замонавий контрацептив воситалари ҳақида аҳолига кенг маълумот бериш, оғир касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш (ОИТС/ОИВни олдини олиш), бепуштлик, ўсма касалликларнинг олдини олиш, кўкрак сути билан боқиш тарғиботи, оналик ва болалик муҳофазаси, ўсмирлар репродуктив саломатлиги ҳамда жинсий тарбия каби тамойиллар тўғрисида ҳам малакали мутахассислар томонидан маслаҳатлар берилди.

—Давра суҳбатида муҳокама этилган масалалар, айниқса, биз, аёллар учун фойдали ва жуда муҳим. Чунки ҳар бир она фарзандлари соғлом бўлишини истайди. O`zLiDeP «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ташкил этилаётган бундай тадбирлар орқали оила аъзоларимиз учун зарур бўлган жуда кўп маълумотларга эга бўлдик. Она сифатида фарзандларимиз саломатлиги ўз қўлимизда эканини тушуниб етдик, — дейди тадбир иштирокчиси Муҳаббат Тўрақулова.

Тадбир якунида муҳокама қилинган масалалар умумлаштирилиб, «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида аҳолининг тиббий маданиятини оширишга доир тадбирларни чекка ҳудудларда ҳам ўтказишга келишиб олинди.

↘ ТАДБИРКОРЛИК

## Ишчи ўринлари ҳам, экспорт ҳам ошади

Марғилон шаҳридаги «Evroaziya invest» масъулияти чекланган жамиятида пахтани қайта ишлаш ҳисобига йилига 2100 тонна сифатли калава-ип харидорларга етказиб берилмоқда. Корхона дастгоҳлари Германиянинг «Тругчлер», Туркиянинг «Сантес», Чехиянинг «Оэрликон» фирмалари томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, яқинда корхонага 400 минг АҚШ доллари миқдоридаги эҳтиёт қисмлар олиб келиниб монтаж қилинди. Бу эса маҳсулотлар сифатини тубдан яхшилаш имконини берди. — Корхонамизда модернизациялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилгани боис, ишлаб чиқариш ҳажми 20 фоизга ортди, — дейди корхона раҳбари И.Расулов. — Жамиятнинг соф даромади 1253,0 млн. сўмни ташкил этди. Жорий йилда 26 нафар коллеж битирувчисини ишга олиш, соф фойдани эса 1062,0 минг АҚШ долларидан ошириш кўзда тутилган.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Муваффақиятсиз амалга оширилган уриниш — бир қарорга кела олмасликдан яхшироқдир: сув ҳам оқиб турганида хусусиятларини йўқотмай туради».**

Фернандо Рохас.

# Ким қанча солиқ тўлаши керак?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Бахт ва омад ҳалол меҳнат, тинимсиз изланиш маҳсулидир. Маълумотларга қараганда, бугун юртимизда 73558 та фермер хўжалиги, 500 мингдан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ва ишлаб чиқарилаётган кундалик истеъмол маҳсулотларининг асосий қисми улар ҳиссасига тўғри келади. Ўтган йили барча соҳада юқори ўсиш суръатлари кузатилганлиги қувонарли ҳолдир. Оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва миллий ҳунармандчиликни жадал ривожлантириш эса жойларда бандлик масаласини ҳал этиш имконини янада кенгайтирмоқда. Бугун ҳам орамизда эркин тадбиркорлик билан шуғулланиш, юрт тараққиёти, эл фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшаётган юртдошларимиз сони ортмоқда. Айни пайтда улар билиши ва иш жараёнида қатъий амал қилиши лозим бўлган қатор ҳуқуқий-норматив мезонлар борки, қуйида ана шу хусусда сўз юритмоқчимиз.

**— Равшан Азимович, ўзингизга маълум, айни пайтда ҳаётимизни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Амалдаги қонунлар, уларнинг янада такомиллаштирилиши эса бу борада мустаҳкам ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилмоқда. Суҳбатимиз аввалида юртдошларимизни қизиқтирадиган бир саволга аниқлик киритсак: якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш қай тартибда амалга оширилади?**

— Дарҳақиқат, эндиликда ҳар бир фуқаро ўзи истаган меҳнат тури билан шуғулланиши, шу орқали ҳам оиласи эҳтиёжларини қондириши, ҳам жамиятга наф келтириши мумкин. Бунинг учун ҳеч қандай монелик йўқ. Саволингизга келсак, Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлар, аввало, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида ҳисобга олинади. Бу ишни алоқа хизмати ёки Интернет тармоғи орқали ариза-хабарнома жўнатиш йўли билан ҳам амалга ошириш мумкин.

Иккинчидан, ҳукуматимизнинг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли қарори билан тасдиқланган «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан импорт операцияларини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар доимий яшаш жойидаги давлат солиқ инспекциясига шахсан келган ҳолда ёки Интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтишлари мумкин.

**— Жисмоний шахсларни солиққа тортишда улар фаолиятининг қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилади?**

— Солиқ сиёсати жаҳондаги барча мамлакатлар учун бирдек муҳим ва аҳамиятлидир. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонда ҳам бу соҳани ислоҳ қилиш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш устувор вазифалардан бири этиб белгиланганлиги бежиз эмас. Зеро бусиз юксак тараққиётга эришиб бўлмайди. Хусусан, Солиқ кодекси тадбиркорлик, савдо-тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Унда хусусий мулк эгаларини қизиқтирадиган кўпгина саволларга ойдинлик киритилган. Айтайлик, якка тартибдаги тадбиркорларга ўз фаолият тури ва уни амалга ошириш жойидан келиб чиқиб қатъий белгиланган солиқ ҳисобланади. Агар тадбиркор бир неча турдаги фаолият билан шуғулланса, солиқ ставкаси уларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида ҳисобланади.

Масаланинг яна бир томони бор. Борди-ю, фаолият жойи учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси давлат рўйхатидан ўтказилган жойидан фарқланадиган бўлса, солиқлар энг юқори ставка бўйича тўланади. Мисол учун, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида давлат рўйхатидан ўтган, ноозиқовқат товарлари билан чакана савдо қиладиган якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини пойтахтда давом эттиришни хоҳласа, ундан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида солиқ ундирилади. Қолаверса якка тартибдаги тадбиркорлар Солиқ кодексининг 311-моддасига асосан ҳар ой энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда суғурта бадалларини тўлашлари лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорида якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари назарда тутилган. Жумладан, қарорнинг 10- ва 11-иловалари билан якка тартибдаги тадбиркорлар (чакана савдо, маиший хизмат, автомобиль транспортида юк ташиш ва ҳоказо) учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари белгиланган. Буни барчамиз билишимиз керак, албатта. Зотан бир жамиятда яшаб туриб, ундан ташқарида бўлиш мумкин эмас. Қатъий белгиланган солиқ ставкаси йил бошидаги энг кам ойлик иш ҳақи (96105 сўм) миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади ва йил давомида иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда ҳам қайта кўриб чиқилмайди.

**— Турмуш маъмурчилигини таъминлаш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг муҳим омилларидан бири, бу шубҳасиз, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришдир. Айтингчи, оилавий тадбиркорликни юридик шахс ташкил этмасдан ҳам йўлга қўйиш мумкинми?**

— Мумкин. Фақат бир жиҳати бор. Яъни юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси қатъий белгиланган солиқ ҳамда ҳар ойда энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, оиланинг бошқа аъзолари эса энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадаллари тўлашлари лозим. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июндаги «Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан тадбиркорлик фаолияти бир нечта объектда амалга ошириладиган бўлса, қатъий белгиланган солиқ ҳар бир объект учун ҳисобланади.

**— Биласиз, Солиқ кодексида тадбиркорлик объекти саналадиган фуқароларнинг мажбуриятлари билан бирга улар фаолиятига тааллуқли бир қатор имтиёз ва енгилликлар ҳам кўзда тутилган. Лекин кўпчилик бу хусусда етарли маълумотга эга эмас.**

— Ҳақ гап. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилади, деган гап бор. Шундай тоифа мулкдорлар борки, улар солиқ юкидан умуман озод этилган. Мисол учун, Президентимиз томонидан 2010 йил 30 мартда қабул қилинган «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонга мувофиқ «Ҳунарманд» уюшмаси аъзолари бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилган. Қолаверса ушбу солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати 2017 йил 1 январгача узайтирилди.

Амалдаги меъёрий-норматив ҳужжатларда бошқа енгилликлар ҳам кўзда тутилган. Дейлик, 2012 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб қишлоқ ва маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (тикувчилар, сартарошлар, пойабзал, маиший техникаларни таъмирлаш усталари ва бошқалар) 3 йил муддатга, қишлоқ ҳудудларидаги янги уй-жой массивларида кирхона хизматларини бажарадиган якка тартибдаги тадбиркорлар эса 5 йил муддатга қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилган. Солиқ кодексининг 311-моддасига асосан юридик шахс ташкил этган (ёки ташкил этмаган) ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ҳар йили ихтиёрийлик асосида энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда суғурта бадалларини тўлашлари лозим. Белгиланган суғурта бадаллари деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқишда бир йил деб ҳисобга олинади.

Кези келганда «XXI asr» ўқувчиларига яна бир нарсани айтиб ўтишни истардим. Солиқ кодексининг 390-моддасига асосан гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланадиган ва давлат божи тўлайдиган жисмоний шахслар ҳам қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилган. Ёшга доир нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлари саналадиган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда юридик шахс ташкил этган (ёки ташкил этмаган) ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари учун суғурта бадали белгиланган миқдорнинг камида 50 фоизини ташкил этиши керак.

**Суҳбатдош: Носир ТОШЕВ, «XXI asr» мухбири.**

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан «Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий кенгашларга сайланган депутат аёллар зиммасидаги вазифалар» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.
Жўқорғи Кенгес ва халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгаши депутатлари иштирок этган ушбу тадбирда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ўртага қўйилган масалалар хусусида атрофлича сўз юритилди.
— Сайловлар йилида синовдан ўтган илғор тажрибаларга таяниш, электорат ишончини сақлаб қолиш учун қонун доирасидаги усул ва услубларни такомиллаштириш, замонавий технологияларни қўллаш орқали сиёсий майдондаги мавқеимизни янада мустаҳкамлашимиз зарур, — дейди тадбирда O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари, Жўқорғи Кенгес депутати С.Қойлибоева. — Ўйлайманки, бундай ишлар аёлларимизни бўлажак сайловларда янада кенг иштирок этишга чорлайди.
Тадбир якунида «Сауле Нур» МЧЖда очилган бошланғич партия ташкилоти фаолларига аъзолик гувоҳномалари топширилди.

**НАМАНГАН.** O'zLiDeP Наманган шаҳар кенгаши томонидан 82 та маҳалладан таклиф этилган балоғат ёшидаги қизлар иштирокида учрашув ўтказилди.
«Ёшлар маркази»да ташкил этилган ушбу тадбирда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, партиянинг Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқилган ҳолда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбикорлик соҳасига йўналтириш, бу борада яратилган имтиёзлар хусусида атрофлича фикр юритилди.
Баҳс-мунозара тарзида ўтган тадбир давомида ёшлар ўртасида бандлик даражасини ошириш, оилаларда учраб турадиган айрим муаммоларни ҳал этиш юзасидан муҳим таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга

# Бошланғич партия ташкилотларида

13 (541)-сон, 2014 йил 3 апрель, пайшанба


# Масъулият оширилиши лозим

Муҳим сиёсий имтиҳон — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, шунингдек, давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловлар арафасида партия қуйи бўғинларидан янада фаоллик ва ташкилотчилик билан иш юритиш талаб этилмоқда

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
«XXI asr»

Маълумки, ҳар қандай сиёсий партия электорат вакилларининг қўллаб-қувватлаши билан кучли ва барқарордир. Буни O`zLiDePнинг қуйи бўғинлари амалий фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва партия ҳудудий кенгашлари иштирокида вилоят, шаҳар ва туманларда ўтказилаётган семинар-тренингларда айни ана шу масалалар атрофлича муҳокама этилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Андижон вилоятида ташкил қилинди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят бўлинмаси етакчи мутахассиси Н.Эргашев таъкидлаганидек, партия қуйи бўғинларининг электорат вакиллари ва аҳоли кенг қатламлари ўртасида изчил иш олиб бораётганлиги эътиборга моликдир. Бу, албатта, яқинлашиб келаётган сайловлар муваффақиятини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро партиявий-сиёсий соҳадаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва янада оммалаштириш биринчи даражали вазифалардан эканини унутмаслик лозим.

Булоқбоши туман партия кенгаши раиси ўринбосари А.Бобоев ўз чиқишида асосий эътиборни электоратнинг ижтимоий таркибини ўрганиш, унинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, сайловолди дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, сиёсий жараённинг аниқ стратегиясини белгилаш билан боғлиқ масалаларга қаратди. Таъкидланганидек, БПТ етакчиларининг билим ва малакасини ошириш, қуйи ташкилотларнинг маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш сайловлар арафасида ғоят муҳимдир.

Партия вилоят кенгаши масъул ходими Х.Халилованинг фикрича, сайловлар арафасида кузатувчилар, ваколатли вакиллар, тарғиботчилар ва фаоллар ўртасида тезкор ахборот алмашинувини йўлга қўйиш жуда муҳимдир. Масалан, электорат олдида турган ҳаётий муаммолардан ўз вақтида хабардор бўлиш учун мавжуд алоқа воситаларининг бенуқсон, узлуксиз ишлаши талаб қилинади. Улар ёрдамида ўша муаммоларни тезлик билан жойида ҳал этиш мумкин, албатта.

— Маълумки, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлиги кўп жиҳатдан қуйи бўғинларга боғлиқдир, — дея ўз фикрини баён этди «Ўзбекинвест» суғурта компанияси вилоят филиали бошланғич партия ташкилоти раиси Н.Аҳмадалиева. — Шундай экан, уларни иқтидорли, ташаббускор ёшлар ҳисобига мустаҳкамлаш эътиборимиздан четда қолмаслиги керак. Масъулиятли палла арафасида аниқ режалар белгиланиб, шу асосида фаолият юритилса, мақсадга мувофиқ.

> **«БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ҲАР ТОМОНЛАМА БИЛИМДОН, СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ТАЙЁРГАРЛИККА, МАМЛАКАТДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ БОРАСИДА ЯНГИ ҒОЯ ВА ТАКЛИФЛАРГА ЭГА БЎЛГАН, ПАРТИЯ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР, ХУСУСИЙ СЕКТОР ВАКИЛЛАРИ МАНФААТИНИ ИФОДАЛАШГА ҚОДИР, ОБРЎЛИ ВА ЖОНКУЯР ШАХСЛАРНИНГ ИХТИЁРИЙ БИРЛАШИШИДАН ТАШКИЛ ТОПАДИ».**
>
> O`zLiDeP Уставидан.









Айтиш жоизки, партиявий-сиёсий ишлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини янада ошириш учун фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда 2011, 2012, 2013 йилларда ҳам кенг қамровли тадбирлар амалга оширилган эди. Уларнинг якунлари эса ўтган давр мобайнида қатор бошланғич бўғинлар фаолияти ижобий томонга ўзгарганидан далолат беради. Бу яхши, албатта.

Бироқ ғоявий-сиёсий, партиявий-ташкилий соҳада айрим камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилаётганлиги бор гап. Хусусан, кўпгина бошланғич ташкилотлар ички масалалар доирасида ўралашиб қоляпти. Айнан ана шундай қуйи бўғинларда партия йиғилишлари номигагина ўтказилмоқда. Жойлардаги баъзи фаоллар юқори партия органлари қарорлари, тактик вазифаларидан тўла хабардор эмас. Қолаверса, айрим ҳудудий кенгашлар қошидаги сиёсий таълим марказларининг иш услуби ҳам талабга жавоб бермайди. Улар зарур сиёсий адабиётлар билан етарли даражада таъминланмаган.

Семинарда шу каби танқидий мулоҳазалар ўртага ташланиб, партиявий-сиёсий ишларни кучайтириш юзасидан муҳим фикрлар билдирилди. Иштирокчилар ўртасида интерфаол усулда ўтказилган тренинг машғулотлари ҳам ҳар жиҳатдан фойдали бўлди, дейиш мумкин.

Мухтасар айтганда, муҳим сиёсий имтиҳон — сайловлар арафасида партия қуйи бўғинлари ва фаоллари зиммасига катта масъулият юклатилган. Ушбу имтиҳондан қандай ўтиш эса айни кундаги тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлиги ва жанговарлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

## «Армуғон»дан ўрнак олиш мумкин

«Армуғон» акциядорлик жамиятида иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида асосий эътибор 2013 йилда олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари қандай натижалар берганига қаратилди. БПТ етакчиси Марди Тўхтаевнинг ҳисоботида эса аъзолар сони 9 кишига кўпайгани, БПТ фаоллари ташаббуси билан партия электорати ва аҳолини ўйлантираётган бир қатор масалалар ижобий ҳал этилгани қайд этилди. Дарҳақиқат, ташаббускор партия фаолларидан иборат жамоа ўтган йилда бир қатор амалий ишлар билан Нарпай туманида O`zLiDePнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлашга ўзига хос ҳисса қўшди, дейиш мумкин. Масалан, «Қадим» ҚФЙ аҳолиси ер юзасига яқин сизот сувлари туфайли деҳқончилик қилишга қийналаётган эдилар. БПТ фаоллари, хусусан, «Армуғон» АЖ раҳбари, халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши депутати Толиб Абдураҳмоновнинг саъй-ҳаракати билан 1 км. дан зиёд узунликдаги зовур қазилди. Эндиликда «Қадим»даги 35 та оила томорқа юмушларига иштиёқ билан киришдилар. «Ўлмас», «Жағалбойли» ва «Баланд» маҳаллаларида ҳам БПТ ташаббуси билан ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Кўчаларга шағал тўкилди, йўл ёқалари, ариқлар тозаланди, ниҳоллар экилди. Ҳисобот-сайлов йиғилишида БПТ 2013 йилдаги фаолияти маъқулланиб, Марди Тўхтаевга тўртинчи маротаба ишонч билдирилди ҳамда қуйи бўғиннинг жорий йилга мўлжалланган иш режаси ҳам қабул қилинди.

**Муҳаббат РАВШАНОВА.**

## «Ғайрат»лилар ғайрати билан

Маълумки, қуйи бўғин аъзолари қанча фаол бўлсалар, ўша ҳудудда аҳолининг партия, унинг мақсад ва вазифаларига нисбатан ишончи ҳам шунча мустаҳкамланиб бораверади. Чиноз туманидаги С.Раҳимов номли қишлоқ врачлик пунктида иш олиб бораётган БПТ аъзоларининг амалий ишлари ҳам шундан далолат бермоқда.

Яқинда мазкур қуйи ташкилотга «Ғайрат» маҳалласида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар мурожаат қилиб, ҳудуддаги қаровсиз бинодан бирон хайрли мақсадда фойдаланиш таклифини билдиришди.

БПТ етакчиси, халқ депутатлари Чиноз туман кенгаши депутати Комила Айтенова эса фаоллар йиғилишида ушбу масалага тўхталиб, иншоотни «Аёллар саломатлик маркази»га айлантириш таклифини билдирди.

Айни кунларда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Нигора Муҳаммадиева билан ҳамкорликда БПТ аъзолари ташаббуси ҳаётга татбиқ этишга киришдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

## Қашқадарёлик талабалар учун Наврўз туҳфаси

Қарши Давлат университетининг 1500 ўринли янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»



Замонавий иншоот 250 ўринли фаоллар, 100 ўринли 4 та зал, тиббиёт пункти, ўқув ва лаборатория хоналари, кутубхона, дорихона, матбуот тарқатиш ва канцелярия моллари дўконидан иборат. Унинг қурилишига 18,5 млрд. сўм маблағ сарфланди. Бунёдкорлик ишлари «Яккабоғ кўргони» қурилиш-инжиниринг компанияси томонидан амалга оширилди.

— Университетнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида яна 300 ўринли, тендер қиймати 4,3 миллиард сўмлик икки қаватли ахборот-ресурс маркази қурилади, — дейди компания раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Эркин Тўхтаев. – Шунингдек, 2 та талабалар турар-жойи мукаммал таъмирланиб, сув таъминоти ва канализация тармоғи капитал реконструкция қилинади.

Шу ўринда университетда 27 та таълим йўналишида бакалавр ҳамда 11 та мутахассислик бўйича магистр кадрлар тайёрланаётганини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда 38 та мавзу бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда ташкил этилган «Қуёш энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш маркази» қошида битта геомайдон, иккита иссиқхона ишлаб турибди.

Янги бинонинг очилиш маросимида вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Зафар Рўзиев иштирок этиб, университет жамоасини муҳташам иморатнинг фойдаланишга топширилиши Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг яққол самараси эканини таъкидлади.

## Жиззахда ёшларнинг харидори кўп

Жиззах вилоятидаги 399 та қуйи бўғиннинг 291 тасида ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтди. O`zLiDeP вилоят кенгаши мутасаддиларининг маълум қилишларича, 5 мингдан зиёд партия аъзоси иштирок этган тадбирларда 254 нафар етакчига қайта ишонч билдирилди. 37 та қуйи ташкилот иши эса қониқарсиз топилиб, уларга ташаббускор, партия мавқеини мустаҳкамлай оладиган ёшлар раисликка сайланди. Шу ўринда ҳисобот-сайлов йиғилишларидан кейин жойларда 608 нафар фуқаро O`zLiDeP сафида бўлиш истагини билдиргани ва 42 та янги БПТ ташкил этилганини қайд этиш мумкин.

**Акрам ШАҲАРОВ,**
**O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши масъул ходими.**





БПТлар УЧУН XXI ASR ижтимоий-сиёсий газетасига имтиёзли ОБУНА давом этмоқда.
Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

# Андижонлик тадбиркорлар жаҳонга интилмоқдалар

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Андижон филиали ҳам ўтган қисқа давр ичида тадбиркор ва фермерларнинг ишончли ҳамкорига айлана олди

**Шаҳзод НАЗАРОВ,**
«XXI asr»



Айни пайтда ушбу тузилма кичик бизнес вакилларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, тайёрланган сифатли маҳсулотларни экспорт қилиш учун зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, экспорт қилувчиларни ташқи бозор коньюнктураси ўзгаришлари, хавф-хатарларидан ишончли тарзда ҳимоялаш ишларини амалга оширмоқда.

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида 100 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари филиал мутасаддиларига мурожаат қилдилар. Шундан кейин «Edelweys», «Elegant Grant And» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда «Saxovat-Teks» ишлаб чиқариш корхонаси каби қатор корхоналарнинг умумий қиймати 5 млн. АҚШ долларига тенг экспорт шартномаларини тайёрлаш, имзолаш ва ваколатли давлат органларида рўйхатдан ўтказишга эришилди.

Албатта, жамғарма билан ишбилармонлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашда жамғарма мутасаддиларининг тадбиркор ва фермерлар билан ўтказаётган учрашув, очиқ мулоқотлари муҳим аҳамият касб этяпти. Уларда иштирокчилар ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида қонун, қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётганлиги ҳамда жамғарма фаолияти тўғрисида батафсил маълумот олиш имкониятига эга бўлдилар. Мазкур тадбирларда жамғарма томонидан кўрсатилаётган хизматлар, яъни тадбиркорларга хорижий давлатларда харидор топиб бериш, халқаро кўргазма ва тендерларда иштирок этишни ташкиллаштириш, экспортбоп маҳсулотларни суғурталаш ва сертификатлаштиришга оид керакли маълумотлар тақдим этилди ҳамда маҳсулотлар экспортига тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинганлигини айтиб ўтиш керак.

Шу билан бир қаторда ташқи бозорда маҳсулотлар харидоргирлигини таъминлаш мақсадида 26 февраль-1 март кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган пойабзал саноатида ишлатиладиган асосий ва ёрдамчи материаллар халқаро «AYSAF-2014» ярмаркасида вилоятдаги «And Chin Invest» ва «Хонобод Сеул» МЧЖлардан вакиллар иштирок этиб қайтдилар. Эътиборлиси, улар саноатда қўлланилаётган энг илғор, замонавий технологиялар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар ва хорижий ишбилармонлар билан амалий учрашувлар ўтказишди. Ҳозирда пойабзал корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун қўшимча экспорт шартномаларини имзолаш кутилмоқда. Жорий йилда Хитой, Россия, Қозоғистон ва бошқа хорижий мамлакатларда ўтказилиши кутилаётган халқаро ярмарка ва кўргазмаларда ҳам андижонлик тадбиркорларнинг фаол иштирок этишлари таъминланмоқда.

Жамғарма ва «Ўзстандарт» давлат агентлиги томонидан ишлаб чиқариш корхоналарида сифат бошқарув тизимларини (СБТ) жорий этиш орқали уларнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида эса вилоятдаги бизнес субъектлари фаолияти атрофлича ўрганилиб, 10 та корхонада ISO 9001 халқаро бошқарув тизимини босқичма-босқич жорий этишга киришилгани ҳам эътиборга лойиқдир.

Қисқа қилиб айтганда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси вилоят филиали кўмагида андижонлик тадбиркорларнинг жаҳон бозорларига чиқиш имкониятлари тобора кенгаймоқда.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Миллий банк кўмагида фаолиятимиз доираси кенгайди

Ўзбекистонда полиграфия бозори кенг ривожланган бўлиб, фақат Тошкент шаҳрининг ўзида ушбу соҳада 657 та компания фаолият олиб бормоқда

**Х.АҲМЕДОВ,**
«VAHOBJON QURILISH»
ОАЖ директори



Жумладан, полиграфия саноати корхоналари томонидан 2013 йил январь-декабрь ойларида 602 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати аввалги йилнинг айни даврига нисбатан 127 фоизни ташкил қилди.

Янги, замонавий техникаларни жорий этиш ҳисобига эса полиграфия бозори тобора кенгайиб, Ўзбекистон бу борада МДҲ мамлакатлари орасида муносиб ўрин эгалламоқда.

«VAHOBJON QURILISH» ОАЖ асосан саноат тармоқлари учун қадоқлаш мосламалари, ёрлиқлар ва бошқа хил полиграфия маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Энг муҳими, кўрсатилаётган хизматлар буюртмачиларимизга мамнун бўлмоқда.

Маълумки, қадоқлаш индустрияси ҳам бугун янги технологиялар ва ишланмаларни тақозо этмоқда. Бу, албатта, сармоя билан боғлиқдир. Кўзланган режаларимизни амалга ошириш учун Миллий банкнинг Тошкент вилояти бўлимига мурожаат қилган эдик. Бизнес лойиҳамиз қисқа муддатда кўриб чиқилди ва бизга 3,2 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобига Германиядан полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган юқори қувватли ускуналар сотиб олдик. Натижада тайёр маҳсулотлар ҳажми ошиб, сифати яхшиланди, даромадимиз эса кўпайди. Ички имкониятлар ҳисобидан 20 дан ортиқ янги иш жойи ташкил этдик. Ҳозирги пайтда корхонамизда коллежларни тугатган кўплаб ёшлар ҳам меҳнат қилмоқда.

Йилига 15-30 млн. дона ёрлиқлар тайёрланиб, мижозларга етказиб беряпмиз. Улар ишончини оқлаш, хизмат сифати ва маданиятини ошириш асосий мақсадимиздир. Пировардида бизни ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлагани учун Миллий банк ва унинг жамоасига миннатдорлигимизни билдирамиз. Чунки уларнинг бевосита ёрдами билан мавжуд босмахонамизни янгилаш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга муваффақ бўлдик.

ЭКСПОРТ

# 7,5 млн. доллар миқдоридаги экспорт шартномаси

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга тобора катта эътибор қаратилаётгани натижасида ички бозор маҳаллий шароитда тайёрланган юқори сифатли маҳсулотлар билан бойиб боряпти. Уларга хориж давлатларида ҳам талаб-эҳтиёж ошаётганлиги янада қувонарлидир

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Сурхондарё вилоят филиали ҳам фаолият йўналишидан келиб чиқиб, бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, экспорт шартномалари тузиш, чет эллардаги кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш учун мулкдорларга яқиндан ёрдам кўрсатилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Жорий йилнинг январь-февраль ойлари мобайнида 30 га яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти филиалнинг ҳуқуқий, ташкилий хизматларидан баҳраманд бўлди. Бунинг самараси ўлароқ, 7,5 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномалари тузилиб, 6 млн. доллар ҳажмидаги маҳсулотлар Буюк Британия, Россия, Қозоғистон ва бошқа хорижий давлатларга экспорт қилинди.

Табиийки, маҳсулотнинг харидоргирлиги, унинг халқаро стандартларга мос келиши, ташқи бозорда ўз ўрнини топиши асосан сифатига боғлиқ. Жамғарма ана шу муҳим жиҳатни ҳисобга олган ҳолда товарлар ассортименти ва турларини тизимли равишда таҳлил қилиб, уларнинг рақобатдошлик даражасини аниқлаш, бу борада тегишли маълумотлар базасини шакллантириш, жаҳон бозорида экспортбоп маҳсулотларга бўлган талаб-эҳтиёжни ўрганишга қаратилган амалий таклифларни илгари сурмоқда.

Мақсад хорижий давлатлар қонунчилиги асосида зарур лицензия, рухсатнома ва сертификатлар олиш жараёнини енгиллаштириш, кўрсатилаётган молиявий ва ташкилий хизматларни такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг турли ярмарка ҳамда чет эл тендер савдоларидаги иштирокини янада кенгайтиришдир.

Бу борада яратилган қулайлик ва имтиёзлар мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари билан чет эллик харидорларнинг доимий мулоқотларини йўлга қўйиш, жамғарма фаолиятини кенг тарғиб ва ташвиқ қилишда яхши самара беряпти. Жумладан, вилоятдаги 14 га яқин тадбиркор жамғарма ва унинг хорижий ҳамкорлари ҳисобидан турли ярмарка ҳамда кўргазмаларда қатнашиш истагини билдирди. Шу ҳисобдан қўшимча равишда 5 млн. АҚШ долларидан зиёдроқ миқдорда экспорт шартномаларини имзолаш режалаштирилмоқда.

**Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.**

КИЧИК БИЗНЕС

## Муваффақият омили

Қатъий мақсад, пухта бизнес-режа ва шунга монанд саъй-ҳаракат ишбилармонликнинг муҳим шартларидандир. Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шароит ва кенг имкониятлар яратилгани юқоридаги уч шартни уйғунлаштирган тадбиркорнинг фаолияти муваффақиятли бўлишини таъминламоқда.

Наманган вилоятининг Чуст туманида фаолият кўрсатаётган “Технолог-ГР” масъулияти чекланган жамияти тадбиркор Сайдулло Мағзумовнинг юқоридаги тамойилларга таяниб иш юритиши натижасида кичик устахонадан юз нафарга яқин киши меҳнат қиладиган катта корхонага айланди.

Дастлаб фақат эшик ва ромлар учун ошиқ-мошиқ ишлаб чиқаришдан иш бошлаган корхонада бугунги кунга келиб металл, пластмасса ва чинни хомашёсидан замонавий уй-жойлар қурилишида зарур бўладиган эшик ва ром тутқичлари, қулф каби эллик турга яқин маҳсулот тайёрланмоқда.

– 2012 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 660 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, ўтган йили бир миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди, – дейди С.Мағзумов. – Бунда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жорий қилинаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда корхонада маҳсулот турини янада кўпайтириб, ташқи бозорга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш устида изланишлар олиб борилмоқда.

**А.САТТОРОВ, ЎзА мухбири.**

БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Бизнесга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган энг катта ғов бу омадсизликдан қўрқишдир».**

Свэн Йоран Эриксон.

ТАДБИРКОРЛАР,
ИШБИЛАРМОНЛАР
ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«XXI ASR» ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ**
Президентимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, долзарб вазифалар, айниқса, хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш борасидаги масалалар ижросини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш мақсадида Сизларни қизиқтираётган саволлар юзасидан мутасадди идоралар вакиллари иштирокида тўғридан-тўғри мулоқотлар уюштирмоқда.

ҚАДРЛИ ФЕРМЕРЛАР,
ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЮРТДОШЛАР!
Очиқ мулоқотда фаол қатнашиб, қуйида номлари келтирилган ташкилот, муассаса мутасаддиларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга халақит бераётган муаммолар юзасидан мурожаат қилишингиз мумкин.
Бугунги кунда тадбиркорликка, қишлоқ мулкдорлари фаолиятини кенгайтиришга қаратилган юксак эътиборга қарамай, айрим ҳудудларимизда соҳани янада жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, шубҳасиз, юртимиз равнақи ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Ўйлаймизки, тўғридан-тўғри мулоқотда кўтарилган мавзулар тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз, қишлоқларда етакчи кучга айланган фермерларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

**МАРҲАМАТ, ЁЗИНГ, ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ!
МУРОЖААТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.**

**ОЧИҚ МУЛОҚОТГА:**
ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ РАИСИ **АЛИШЕР ШАЙХОВ,**
«АГРОБАНК» ОАТБ БОШҚАРУВИ РАИСИ **АБДИВАҲОБ ТАМИКАЕВ**,
«МИКРОКРЕДИТБАНК» ОАТБ МУТАСАДДИЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛГАН.

Учинчи мулоқот **2014** йилнинг **4** апрелида «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, **73**-А уйда) соат **16.00** да ўтказилади. Тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг саволларига Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер ШАЙХОВ жавоб қайтаради.

*Умид қиламизки, мулоқотга таклиф этилган мутасадди идоралар вакиллари таҳририят ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тадбиркор юртдошларимизни қизиқтираётган саволлар, улар фаолиятига оид ҳаётий масалаларни ҳал этиш учун вақт топадилар.*

**Саволлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинмоқда:**

**(+998 71) 281-40-17, 215-63-80.
(+998 95) 194-83-95, 194-83-96.**

Электрон почта: **XXI_ASR@mail.ru**

# «Бегона» болалар

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида Бельгия болалар эвтаназиясини расмийлаштирган иккинчи ва кўнгилли равишда ҳаётдан кўз юмишни хоҳлаганлар учун ёш чегараси белгиланмаган биринчи мамлакатга айлангани таъкидланмоқда

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»



Қайд этиш жоизки, 2012 йилда мазкур давлатда икки мингга яқин киши эвтаназияни ихтиёр этган эди. Энди улар қаторига ҳали ақлини танимаган норасида болалар ҳам қўшиладиган бўлди. Бельгия қироли Филипп вояга етмаган шахслар эвтаназияси (ихтиёрий ўлими)га рухсат берувчи қонунни имзолаганидан кейин бунга расман йўл очилди.

Маълумки, ҳар қандай давлат қудратини белгилайдиган қатор омиллар бўлади. Шубҳасиз, уларнинг энг асосийларидан бири бу — вояга етаётган маънан етук, жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол авлодни асраб-авайлаш, унга ғамхўрлик кўрсатишдир. Бельгияда қабул қилинган мазкур қонун, яъни инсоннинг ўз ҳаётига онгли равишда чек қўйиши эса ҳар қандай қонунларга мутлақо зид, дегинг келади. Ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган глобаллашув жараёнларида турли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий эврилишлар, табиий офатлар, экологиянинг бузилиши вақт ўтгани сари башарият олдига янгидан-янги муаммоларни кўндаланг қўяётган бир пайтда бундай қарорларнинг қабул қилинаётганини изоҳлаш ниҳоятда мушкул, албатта. Зеро инсониятнинг эртанги эгаларига нисбатан бундай шафқатсизларча муносабатни «қонуний»лаштириш ҳеч бир замонда маъқулланмаган.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ҳисоботида қайд этилишича, айни пайтда Ер юзида 100 миллионга яқин ногирон бола бўлиб, юқоридагидек қарорлар дунё ҳамжамиятининг имконияти чекланган болалар ҳақ-ҳуқуқи, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим-тарбия бериш, саломатликларини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларга доғ туширмоқда.

ЮНИСЕФ маълумотларида ҳам кейинги йигирма йил мобайнида сайёрамиздаги беш ёшдан кичик бўлган болалар ўлими сезиларли даражада камайгани қайд этиляпти. Бироқ ҳар йили уч миллион боланинг бир ой ҳам яшамасдан ҳалок бўлаётгани ҳам бор гап. Шу боис, айрим ривожланган мамлакатларда битта гўдакнинг туғилиши учун жуда катта пул мукофоти ва қўшимча имтиёзлар жорий этилган. Бу, биринчидан, соғлом болалар туғилишини кўпайтириш, мамлакатда она ва бола саломатлигини сақлашга хизмат қилса, иккинчидан, миллатни асраш, унинг давомийлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатдир. Мисол учун, Германияда янги туғилган чақалоққа давлат томонидан токи бола уч ёшга тўлиб, болалар боғчасига чиққунига қадар ойига юз евро миқдорида ёрдам пули берилади.

*Ҳар йили она бўлаётган 7,3 миллион ўсмир қизларнинг 2 миллиони, яъни 15 ёшгача бўлган қизлар эрта ҳомиладорлик ва оналар ўлими билан боғлиқ жуда оғир тиббий ва ижтимоий оқибатлардан азият чекмоқдалар.*

Аммо «Болаларни асранг» халқаро ташкилоти мутахассисларининг таъкидлашича, қашшоқ мамлакатларда ҳанузгача гўдаклар ҳаётига эътиборсиз қаралмоқда. Натижада кўплаб чақалоқлар бевақт нобуд бўлмоқдалар. Ҳар доимгидек, бу борада Африка мамлакатларидаги аҳвол ниҳоятда ачинарлидир. Яъни «Қора қитъа»да янги туғилган ҳар беш нафар чақалоқнинг икки нафари ҳаётининг дастлабки сонияларидаёқ ҳаёт билан видолашяпти.

Маълумки, чақалоқ туғилганда киндиги кесилиб, у хлорексидин препарати билан артилади. Африка мамлакатлари, хусусан, Нигерияда эса чақалоқ киндиги кесилганидан кейин унга маҳаллий одат бўйича сигир тезаги суриллар экан. Бу «препарат»нинг мурғак гўдак ҳаёти учун қанчалар хавфли эканини ўз-ўзидан аён, албатта. Ривожланган мамлакатларда эса она ва бола саломатлиги учун энг яхши жой Финляндия деб топилган. Швеция, Норвегия, Исландия, Голландия ва Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатлари ҳам шу қатордан жой олган.

Маълумки, Финляндияда спорт билан шуғулланиш миллий анъанага айланган. Бошқача айтганда, спорт ҳар бир фин оиласига кириб борган. Маълумотларга қараганда, бу ерда тахминан 70 фоиз аҳоли қишки спорт тури билан шуғулланади. Мамлакатда хотин-қизлар саломатлигини асрашнинг ҳам энг оддий ва самарали усулларидан фойдаланилади. Яъни, ҳар икки аёлдан бири ўз ишхонасига яёв ёки велосипедда боришга одатланган. Бу эса бўлажак оналар учун айни муддаодир. Шу ўринда ушбу мамлакат XX асрнинг 70-йилларида юрак касалликлари туфайли вафот этганлар сони бўйича биринчи ўринга чиққанини қайд этиш жоиз. Кейинги йигирма йилда эса аҳвол ижобий томонга ўзгарди. Муаммо финларнинг ёппасига очиқ ҳавода жисмоний тарбия билан шуғулланганликлари туфайли чекинди. Ана шу тизим айниқса ёш оналар ҳаётига жорий этилгани мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилаётир. Бундан ташқари, янги туғилган чақалоқ ва унинг онаси камида икки йил тиббиёт ходимларининг қатъий назоратида бўлади. Бу эса ёш авлоднинг саломатлиги ҳар нарсадан устун эканлигининг далолатидир.

«UNFPA» халқаро ташкилоти ижрочи директори Бабатунде Осотимехиннинг фикрича, эрта никоҳ қуриш ва эрта ҳомиладорлик ҳам айни пайтдаги дунё миқёсидаги глобал муаммолар қаторидан ўрин эгаллади. Хусусан, ривожланаётган мамлакатларда ҳар куни 18 ёшга тўлмаган йигирма минг қиз она бўлаётганини айтиш мумкин. Умуман олганда, ҳар йили она бўлаётган 7,3 миллион ўсмир қизларнинг 2 миллиони, яъни 15 ёшгача бўлган қизлар эрта ҳомиладорлик ва оналар ўлими билан боғлиқ жуда оғир тиббий ва ижтимоий оқибатлардан азият чекмоқдалар. Гарчи эрта ҳомиладорлик муаммоси ривожланаётган мамлакатларда кескин тус олаётган бўлса-да, тараққий этган давлатлар ҳам бундан мустасно эмас. Масалан, АҚШда ўсмирлик вақтида ҳомиладор бўлиб қолган қизларнинг деярли ярми ўрта таълимни 22 ёшга тўлганда тугатмоқда.

Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида эрта никоҳ ва ўсмирликдаги ҳомиладорлик анъанасининг камайиб бориши кузатилаётганига қарамай, баъзи мамлакатларда бу кўрсаткич Ғарбий Европа мамлакатларидагига нисбатан анча юқоридир. Бу ерда ўсмирликдаги ҳомиладорлик бўйича ўртача кўрсаткич ҳар юз нафар қизга 32 (таққослаш учун, Швейцарияда 2 та)га тенг. Муддатидан олдин туғилган болаларнинг 85 фоизи Африкада дунёга келяпти. Аммо мутахассислар Ҳиндистон, Нигерия, Покистон, Хитой каби мамлакатларда ҳам бу кўрсаткич паст эмаслигини таъкидламоқдалар.

Ушбу муаммо ўта долзарб бўлса-да, халқаро даражада ҳануз унга эътибор жуда кам эканини тан олиш керак. Хусусан, халқаро тараққиёт дастурларини молиялаштириш нуқтаи назаридан мазкур масалага комплекс ёндашиш, яъни қизларнинг феъл-атворини эмас, балки уларга нисбатан жамоатчиликнинг муносабатини ўзгартириш яхши натижа бериши мумкинлиги айтилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 1990 йилда дунёда беш ёшга етмаган болалар ўлими 12 миллион нафарни ташкил этган эди. Аммо кейинчалик бу рақам нисбатан пасайди. Зеро, чақалоқларни кўкрак сути билан боқиш ва уларнинг болалар орасида кенг тарқалган юқумли касалликларга қарши эмланаётгани бевақт ўлимнинг олдини олмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бу сўнгги 20 йил ичида кўплаб мамлакатларда «соғлом бола» шиори остида изчил ислоҳотлар амалга оширилгани самарасидир.

Ана шундай мамлакатлардан бири, шубҳасиз, Ўзбекистондир. Маълумки, истиқлол йиллари мамлакатимизда аёлга ва ўсиб келаётган ёш авлодга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Оналик ва боликни муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш устувор давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бўлиб, Ўзбекистон қўшилган биринчи халқаро ҳужжатлардан бири ҳам 1992 йил 9 сентябрда Парламент томонидан ратификация қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция эди. Кейин эса бу «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан мустаҳкамланди. Мамлакатимизда илк орденлардан бири «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши ҳам бежиз эмас, албатта. Таъкидлаш жоизки, сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди.

Кенг кўламли ислоҳотлар туфайли мустақиллик йилларида мамлакатимизда оналар ўлими 3,1 баравар, гўдаклар ўлими 3,2 баравар камайди. «Она ва бола скрининги» дастури амалга оширилиши натижасида туғма ногирон болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 баробарга пасайди. Бугунги кунда Ўзбекистон болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти стандартларига тўла мос келади. «Save the children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Шунингдек, туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўлиқ таъминланди. 2011-2013 йилларда 535 минг нафар ҳомиладор аёл ирсий ва туғма касалликлар бўйича текширувдан ўтказилди. Бу 2013 йилда қарийб 2,7 минг боланинг туғма хасталиклар ва ривожланишдаги нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконини берди.

Жорий «Соғлом бола йили»да ҳам тўрт мучаси соғ фарзандлар туғилиши ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун мавжуд шароитларни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кучайтирилмоқда. Давлат дастурига биноан ушбу хайрли ишларга қарийб 4 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланади. Шунингдек, МДҲ мамлакатларида ўхшаши бўлмаган замонавий кўп тармоқли болалар марказини қуриш ва уни энг сўнгги тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш режалаштирилмоқда. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлимлари, ТошПТИ клиникалари, 13 та вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, 62 туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар қурилади ва тубдан таъмирланади. Улар энг сўнгги диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади ва бу келажагимиз эгалари бўлган болаларга жаҳон стандартлари даражасида юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради, албатта.

Халқимизда боланинг бегонаси бўлмайди, деган гап бор. Дарҳақиқат, шундай. Зеро Ер юзининг қайси нуқтасида яшамасин, дини ва ирқидан қатъий назар, фарзанд инсон наслининг давомчиси сифатида ана шундай таърифга лойиқ. Шу боис болаларни кўз қорачиғидек асраш бутун бани башарнинг вазифасидир.

## Воқеалар, шарҳлар, далиллар

### Кимга тўй, кимга аза ...



Чилида юз берган кучли зилзила пайтида Икике шаҳридаги қамоқхонадан 300 нафардан ортиқ маҳбус қочиб кетди. Ҳукумат ҳудудда тартибни сақлаш учун қатъий чора-тадбирлар кўрмоқда. Шаҳардаги турли қоидабузарлик ва талон-торожларнинг олдини олиш мақсадида 100 нафар махсус бўлинма ходими қочоқлар билан шуғулланишга сафарбар этилди.
Таъкидлаш жоиз, 8,2 магнитудали зилзила оқибатида икки киши ҳалок бўлиб, уч киши тан жароҳати олган. Перу ва Эквадор ҳукуматлари цунами хавфи муносабати билан соҳил бўйидаги аҳолини бошқа ҳудудларга кўчиришга мажбур бўлди.

### Италияда бекорчилар сафи кенгаймоқда

Жорий йилнинг биринчи чорагида Италияда ишсизлик даражаси кейинги 37 йилдаги энг юқори кўрсаткичга чиқди. Миллий статистика агентлиги маълумотларига қараганда, меҳнатга яроқли аҳолининг 3 миллион нафардан зиёди, яъни 13 фоизи ишсизлар рўйхатига тушган. Уларнинг катта қисми ёшлардир.
Қўшни Греция ва Кипр мамлакатларида эса ишсизлар 27,5 ва 16,7 фоизни ташкил этмоқда. БМТ маълумотларига қараганда, дунё бўйлаб 25 ёшгача бўлган 80 млн. нафарга яқин йигит-қиз иш излаб юрибди.

### Депутат талаби қондириладими?



Молдова парламенти депутати Анна Гуцу республика ҳудудида Россия янгиликлари трансляциясини тақиқлашни талаб этмоқда. У бу ҳақда Телевидение ва радиоузатишлар бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш раҳбари Мариан Показнойга талабнома юборди. Гуцунинг фикрича, Россия телеканалларининг янгиликлар блоки ўрнига мусиқий, маърифий ёки кўнгилочар кўрсатувлар бериш лозим. Анна Гутсу парламент коалициясига кирувчи Либерал-ислоҳотчи партия вакили ҳисобланади. Аввалроқ у русийзабон мактабларни давлат бюджетидан молиялаштиришни тўхтатиш таклифи билан чиққан эди.

### Саратонга қарши янги препарат

Буюк Британиянинг Уорвик университети тадқиқотчилари иридий кимёвий элементи бирикмалари асосида саратонни даволовчи янги авлод препаратини яратдилар. Муаллифларнинг таъкидлашича, унинг самарадорлиги ҳозирда қўлланилаётган, платина асосида тайёрланган кимё терапияси воситасидан ўн карра самаралироқдир. 3L 105 деб номланган мазкур дори саратон ҳужайраларининг қувват билан таъминланишини тўсиб, ҳалок бўлишига олиб келади. Бундай таъсир механизми эса платина асосида яратилган препаратлардан тубдан фарқ қилиб, самарадорлиги ва хавфсизлиги билан ажралиб туради.
— Гап шундаки, платинанинг ўзи организм учун токсик таъсир кўрсатади ва касал ҳужайралар билан бирга соғломларини ҳам емиради. Токсик таъсир этмайдиган иридий асосида яратилган 3L 105 препарати фақат касал ҳужайраларга таъсир этади, — дейди тадқиқот бош муаллифи профессор Питер Седлер.



# Мамлакатимизнинг янги чемпионлари

## «Ўзбекистон» спорт мажмуасида дзюдо бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди



Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Дзюдо федерацияси ҳамда Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада мамлакатимизнинг энг кучли 400 нафарга яқин дзюдочиси ғолиблик учун куч синашди.

Етти вазн тоифасида ўтказилган эркаклар ўртасидаги қизғин баҳслардан бири вазни 90 килограмм бўлган полвонларнинг финал учрашувида кузатилди. Унда жаҳон универсиадаси кумуш медали соҳиби, қашқадарёлик Шерали Жўраев пойтахт шарафини ҳимоя қилган жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Чориевни мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди.

— Мамлакатимизда навқирон авлодни ҳар жиҳатдан соғлом этиб тарбиялашнинг муҳим воситаси – спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида ёшлар ўртасида спорт турлари, жумладан, дзюдо жадал оммалашмоқда, — дейди Ўзбекистон чемпиони Шерали Жўраев. — Бугун чемпионликка эришиш осон эмас. Чунки юртимизнинг турли ҳудудларидан кучли спорт усталари етишиб чиқмоқда ва бу соғлом рақобатни вужудга келтирмоқда. Муҳими, гиламга чиқаётган ҳар бир полвон йирик мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

Қолган вазн тоифаларида барча рақибларини мағлубиятга учратган пойтахтлик Шуҳрат Арслонов, Сойиб Қурбонов, Мирзоҳид Фармонов, хоразмлик Диёр Ўрозбоев, самарқандлик Сарвар Шомуродов, қорақалпоғистонлик Элёр Машарипов ҳам Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда Тошкент шаҳри вакилларидан Муқаддас Кубеева, Шоҳида Назарова, хоразмлик Зарифа Султонова, Гулноза Матниёзова, Кумуш Йўлдошева, сурхондарёлик Шоҳиста Сафарова ҳамда қашқадарёлик Обида Алладўстова шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Чемпионатда маҳорат кўрсатиб, ғолиб ва совриндор бўлган дзюдочилар Ўзбекистон терма жамоаси сафида жаҳон ва китъа миқёсидаги мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## 70 фоизи — экспортга!

29 март куни Олмалиқ кон-металлургия комбинати таркибида ташкил этилган янги корхона — «Жиззах цемент заводи» мажмуасини фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди.

Жиззах шаҳар ҳокимлиги матбуот хизматининг хабар беришича, Зафаробод туманида қад ростлаган ушбу завод учун зарур бўлган хом ашё корхонадан 1,5 км. узоқликдаги Балиқли ва Кўтарма тоғлари ёнбағридан олинади. Тахминларга кўра, ана шу конларнинг ўзи заводни тахминан 150 йил давомида оҳактош билан таъминлаши мумкин.

2013 йилнинг апрель ойида қурилиши бошланган заводнинг фойдаланишга топширилиши натижасида бу ерда 430 нафар мутахассис доимий иш билан таъминланди.

Туркиянинг «Dal teknik» компанияси билан ҳамкорликда ишга туширилган корхона йилига 350 минг тонна оқ цемент ва 760 минг тонна портланд цементи ишлаб чиқариш қувватига эга. Дунё бозорида оқ цементга талаб юқори бўлгани боис ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 70 фоиздан ортиғини экспортга чиқариш кўзда тутилган.

## Чиқиндидан ҳам боғ барпо этиш мумкин

Маълумотларга кўра, Нью-Йоркда яшовчи ўртаҳол ҳар бир киши чиқиндихонага бир кунда тахминан 1,2 кило маиший чиқит чиқарар экан. АҚШнинг «PRESENT Architecture» дизайнерлик компанияси бу «маҳсулот»ни «Green Loop» номли лойиҳа асосида компост, яъни фойдали органик ўғитга айлантиришни режалаштирмоқда. Бунинг учун шаҳар четларига туташ жойларда ўнга яқин улкан компост оролларини барпо этиш таклиф қилиняпти.

Компания вакилларининг таъкидлашича, шу тариқа ҳар куни чиқиндилар ортилган юк машиналарининг ёнилғи сарфлаши, йўлларда тирбандликларни вужудга келтириб, ҳавога зарарли газлар чиқариши, энг асосийси эса узоқ-узоқлардаги ахлат ташлаш ҳудудларига бориб-келиш билан боғлиқ муаммоларни қисман бўлса-да бартараф этиш мумкин.

Лойиҳага мувофиқ, Нью-Йорк шаҳри чиқиндисининг тахминан 30 фоизи (йилига 4 миллион тонна) шаҳар атрофидаги сунъий оролларга олиб борилади. Ўз навбатида у ерда барпо этилган ертўлаларда босқичма-босқич равишда компостлаштирилган ахлат нутриентларга бой тупроқ ҳолида шаҳарга қайтарилади. Энг муҳими, сунъий оролларнинг устки қисмида ҳар бири 12 акрли (қарийб 50 минг квадрат метр) истироҳат боғлари ташкил этилади. Бу эса шаҳарга етишмаётган яшил ҳудудларнинг кенгайишини таъминлайди.

**Ш.ХЎЖАЕВ.**



## Сайёҳларга энг қулай шароит

2013 йили юртимизга 1 млн. 977 600 нафар хорижлик меҳмон ташриф буюргани, сайёҳларга хизмат кўрсатишнинг умумий ҳажми 2012 йилга нисбатан 16 фоиз, хизматлар экспорти эса 20 фоизга ўсгани маълум қилинмоқда. Эътиборлиси, мамлакатимиз туроператорлари томонидан 115 142 нафар россиялик сайёҳга хизмат кўрсатилган бўлиб, бу 2012 йилга нисбатан 2,7 фоизга кўпдир.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясидан хабар қилинишича, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига юртимизда туризм йўналишида фаолият юритувчи ташкилотлар сони 900 (шундан 400 таси меҳмонхона, 500 таси эса сайёҳлик хизматларини кўрсатади) тадан ошган.

## «Ширин болажон» 22 миллионга сотилди




1996 йилдан буён мамлакатимизда мунтазам ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг жорий йилги республика босқичида Ташкилий қўмита аъзолари таклифи билан иштирокчилар ўртасида илк бор «Ҳайрия ким ошди савдоси» уюштирилди.

Унда дастлабки баҳоси 100 минг сўмлик «Ширинтой болажон» торти 22 млн. сўмга сотилди. Наманган вилоятидаги «Ифтихор кийим саноат» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Анна Добрихга насиб этган торт ва хайрия савдодан тушган маблағ унинг таклифи билан Меҳрибонлик уйларига йўналтирилди.

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА.**




Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, мамлакатимизда 3-10 апрель кунлари вақти-вақти билан ёмғир ёғиши, айрим жойларга туман тушиши кутиляпти. Тоғларда қор кўчиши хавфи бор. Шамол ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 3-8, кундузи 15-20 даража илиққача кўтарилади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кечаси 3-8, кундузи +13-18, ҳафта охирига бориб эса 15-20 даража илиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси +5-10 атрофида, кундузлари 18-23 даража илиқ бўлиши кутиляпти. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат ҳафта охирига бориб кечаси 3-8, кундузи эса 15-20 даража илиққача кўтарилади. Фарғона водийси вилоятларида кечаси +3-8, кундузи 10-15 даража илиқдан +15-20 даражагача кўтарилиши кутиляпти. Тоғли жойларда ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқдан 0-5 даража илиққача, кундузлари эса 7-12 даража илиққача кўтарилиши мумкин.

### БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Бахтнинг орқасидан қувма: зеро уни ҳар доим ўзингдан топишинг мумкин».**

Пифагор.

ЭЪЛОН

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

«Асака» банк (ОАЖ)

МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРДАГИ ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Миллий валютада:

**«БАҲОР-2014»**
Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«БАРАКАЛИ»**
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади.

**«ИМТИЁЗЛИ»**
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловлар (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловлари)га йўналтирилади.

**«НАВРЎЗ-2014»**
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«СОҒЛОМ АВЛОД»**
Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Хорижий валютада:

**«ФАЙЗЛИ-2014» (АҚШ долларида)**
Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг АҚШ долларида берилади.

**«ШОДИЁНА» (АҚШ долларида)**
Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)**
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| ФИЛИАЛЛАР | КОД | ТЕЛЕФОН | ФИЛИАЛЛАР | КОД | ТЕЛЕФОН |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Сергели филиали | 371 | 258-67-49 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 | Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА




SARDOR AVTO INVEST

Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «POYTAXT»)

ЗАЗ
www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

**ТАҲРИРИЯТ:** Темур АБДУРАҲМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАЖАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ХЎЖАЕВ, Маркс ЮСУПОВ.

**БЎЛИМЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. **ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com, xxi_asr@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

**БОШ МУҲАРРИР:** Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 9565 **Тираж:** 17327
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
**Ш.ХЎЖАЕВ, А.МУЗАФФАРОВ.**